

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 85 Республика лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика ҳудудларини, энг аввало, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштириш ва комплекс куришни амалга оширишни ташкил этиш тизимини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқиладиган лойиҳалар сифатини ошириш, шунингдек республиканинг етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва тегишли лойиҳа-қидирув ташкилотлари акциядорлари (қатнашчилари) умумий йиғилишларининг:

«ЎзЛИТТИ» ёпиқ акциядорлик жамияти ва «Тошуйжойлойиҳа» очик акциядорлик жамияти лойиҳа-қидирув ташкилотларини бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш ҳамда «ТошуйжойЛИТИ» очик акциядорлик жамияти лойиҳа-қидирув ташкилотини ташкил қилиш;

«Донлойиҳа» масъулияти чекланган жамият ва «Ўзмевасабзавотузум-саноатлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув ташкилотларини бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш ҳамда «Ўзагрорсаноат-лойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув ташкилотини ташкил қилиш;

«Ўзрангметлойиҳа» очик акциядорлик жамияти ва «ЎзГЕОТЕХЛИТИ» давлат унитар корхонаси лойиҳа-қидирув ташкилотларини бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш ҳамда «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» давлат унитар корхонаси лойиҳа-қидирув ташкилотини ташкил қилиш;

«ZPLIT» ёпиқ акциядорлик жамияти ва «O'ZGASHK» давлат унитар корхонаси лойиҳа-қидирув ташкилотларини бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш ҳамда «ЎзГАШКЛИТИ» давлат унитар корхонаси лойиҳа-қидирув ташкилотини ташкил қилиш;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очик акциядорлик жамиятини давлат унитар корхонасига айлантириш;

қайта ташкил этиш натижасида 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича янгидан ташкил этиладиган лойиҳа-қидирув ташкилотларининг асосий ихтисослашиш йўналишлари тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «ЎзГЕОРАНГ-МЕТЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва «ЎзГАШКЛИТИ» давлат унитар корхонасининг муассиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

бир ой муддатда — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» давлат унитар корхонаси ҳамда «ЎзГАШКЛИТИ» давлат унитар корхонаси тузилмаси ва уставларини тасдиқласин;

икки ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган лойиҳа-қидирув ташкилотларининг акциядорлари (қатнашчилари) билан биргаликда лойиҳа-қидирув ташкилотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этиш чора-тадбирлари комплексини амалга оширсин;

«ТошуйжойЛИТИ» очик акциядорлик жамияти, «Ўзагросаноатлойиҳа» масъулияти чекланган жамият, «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «ЎзГАШКЛИТИ» давлат унитар корхонаси ҳамда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонасининг лойиҳа-қидирув ташкилотларини соҳа бўйича олий маълумотли ҳамда лойиҳалаш ишларида камида 5 йиллик амалий тажрибага эга бўлган раҳбар ва муҳандис-техник ходимларнинг пухта танланишини назарда тутган ҳолда тажрибали ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. «ТошуйжойЛИТИ» очик акциядорлик жамияти ўзининг қайта ташкил этилиши муносабати билан акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йиғим тўлашдан озод қилинсин.

4. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар бериш учун давлат божлари миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва улар 2010 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасдиқланган бош режаларда назарда тутилмаган қўшимча объектларни қуриш фақат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлигининг белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 23 март,  
50-сон

**Қайта ташкил этилаётган лойиҳа-қидирув ташкилотлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Қайта ташкил этилаётган лойиҳа-қидирув ташкилотлари номи ва қайта ташкил этиш шакли	Янгидан ташкил этилаётган лойиҳа-қидирув ташкилотлари		
		Лойиҳа-қидирув ташкилотлари номи ва жойлашган жойи*	Устав жамғармасидаги давлат улуши, (камида) %	Асосий ихтисослашув йўналиши
1.	«ЎзЛИТТИ» ЁАЖ ва «Тошуйжойлойиҳа» ОАЖ (бирлашиш)	«ТошуйжойЛИТИ» ОАЖ, Тошкент шаҳри, М. Якубов кўчаси, 43 («Тошуйжойлойиҳа» ОАЖнинг собиқ биноси)	51	Намунавий, шу жумладан уй-жой ва ижтимоий бинолар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш. Шаҳарсозлик соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг ТИА, ТИИни, норматив-методологик ва йўриқнома ҳужжатларни ишлаб чиқиш. Турар жой бинолари ва иншоотларини ўлчаш ва текшириш ишларини амалга ошириш, техник жиҳатдан кўздан кечириш.
2.	«Донлойиҳа» МЧЖ ва «Ўзмеvasабзавот-узумсаноатлойиҳа» МЧЖ (бирлашиш)	«Ўзагросаноатлойиҳа» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16 А («Ўзмеvasабзавотузум-саноатлойиҳа» МЧЖнинг собиқ биноси)	51	Қишлоқ учун мўлжалланган боғдорчилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини, чорвачилик ва асаларичилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини, фермер хўжаликлари инфратузилмасини, уй-жой ва ижтимоий-маиший соҳа объектларини лойиҳалаш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг ТИА ва ТИИни ишлаб чиқиш. Тегирмончилик саноати объектларининг лойиҳа, технологик ва конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
3.	«Ўзрангметлойиҳа» ОАЖ ва «ЎзГЕОТЕХЛИТИ» ДУК (бирлашиш)	«ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» ДУК, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 15 («ЎзГЕОТЕХЛИТИ» ДУКнинг собиқ биноси)	100	Металлургия кон-руда объектларини лойиҳалаш, мавжуд металлургия корхоналарини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тармоқ лойиҳаларининг махсус бўлимларини ишлаб чиқиш. Инвестиция лойиҳаларининг ТИА ва ТИИни ишлаб чиқиш. Рангли ва руда металлургиясида илмий-тадқиқот ва қидирув ишларини олиб бориш.

Т/р	Қайта ташкил этилаётган лойиҳа-қидирув ташкилотлари номи ва қайта ташкил этиш шакли	Янгидан ташкил этилаётган лойиҳа-қидирув ташкилотлари		
		Лойиҳа-қидирув ташкилотлари номи ва жойлашган жойи*	Устав жамғармасидаги давлат улуши, (камида) %	Асосий ихтисослашув йўналиши
4.	«ZPLITY» ЁАЖ ва «O'ZGASHK» ДУК (бирлашиш)	«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 38 («O'ZGASHK» ДУКнинг собиқ биноси)	100	<p>Қурилишда, геоинформатика ва шаҳарсозлик кадастри соҳасида муҳандислик-техник қидирув ишлари комплексини амалга ошириш. Бинолар ва иншоотларнинг фойдаланишга мустаҳкамлиги юзасидан муҳандислик қидирув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш, норматив-методологик ва йўриқнома ҳужжатларни ишлаб чиқиш.</p> <p>Ер усти ва ер ости биноларининг асоси ва пойдеворларини лойиҳалаш ва тадқиқ этиш, биноларнинг зилзилабардошлилигини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш.</p>
5.	«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ (қайта ўзгартириш)	«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18	100	<p>Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг бош режаларини, йирик ва ноёб бинолар, ижтимоий-маданий, маиший, уй-жой ва жамоага мўлжалланган объектлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш.</p> <p>Инвестиция лойиҳаларининг ТИА ва ТИИни, шунингдек норматив-методологик ва йўриқнома ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларни қўпайтириш.</p>

Изоҳ. \* Қайта ташкил этилаётган лойиҳа-қидирув ташкилотлари мажбуриятлар ва тузилган шартномалар бўйича тегишли равишда уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 23 мартдаги 50-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш  
фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия  
берганлик учун давлат божи  
МИҚДОРЛАРИ**

Фаолият турлари	Давлат божи миқдори (энг кам ойлик иш ҳақининг баравари)
<b>Тўлиқ комплексда лойиҳалаш фаолияти турлари бўйича (лойиҳалашнинг барча босқичларида архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, шу жумладан лойиҳаларнинг ДТИА, ТИА ҳамда ДТИҲ, ТИҲларини ишлаб чиқиш)</b>	
1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ва ҳудуди қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар.	50
2. Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар.	50
3. Аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар.	40
4. Аҳоли пунктлари ҳудудларини қуриш тўғрисидаги ҳужжатлар.	40
5. Қурилиш объекти учун муҳандислик-техник қидирувларни (муҳандислик-геодезия қидирувларидан ташқари) бажариш.	50
6. Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.	75
7. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.	75
8. Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.	50
9. Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.	30
10. Энергетика қурилиши, алоқа объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.	40
11. Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ҳамда комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.	50

<b>Фаолият турлари</b>	<b>Давлат божи миқдори (энг кам ойлик иш ҳақининг баравари)</b>
12. Магистрал муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш.	50
13. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш.	50
14. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш учун ҳужжатлар.	20
<b>Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айрим бўлимларини ишлаб чиқиш фаолияти турлари бўйича</b>	
1. Объектларнинг асослари ва пойдеворлари бўлимини лойиҳалаштириш.	40
2. Объектларнинг металл конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш.	40
3. Объектларнинг темир-бетон конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш.	40
4. Махсус объектлар ва иншоотларни лойиҳалаштириш.	50
5. Қурилиш объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.	30
6. Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш.	50
7. Бинолар ва иншоотларни мустаҳкамлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.	40
8. Коррозияга қарши ҳимояни ишлаб чиқиш.	40
9. Бинолар ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш:	
иситиш, вентиляция, кондиционерлаштириш;	20
сув қувури ва канализация;	20
газ таъминоти;	20
газ асбоб-ускуналари;	20
совуқ ҳаво таъминоти;	20
энергия таъминоти;	20
электр асбоб-ускуналари;	20
электр билан ёритиш;	20
электр билан иситиш;	20
автоматлаштириш ва паркдан фойдаланиш коэффициенти;	20
кучсиз токли қурилмалар;	20
вертикал режалаштириш.	20
10. Капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлаш.	50

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 23 мартдаги 50-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банднинг биринчи хатбошидаги «қоидага кўра» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 7-банд «б» кичик бандининг иккинчи — тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари учун (лойиҳалашнинг барча босқичларида архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, шу жумладан лойиҳаларнинг ДТИА, ТИА ҳамда ДТИХ, ТИХларини ишлаб чиқиш) — мураккабликнинг I-II тоифасидаги объектлар учун — камида 12 мутахассис, мураккабликнинг III тоифасидаги объектлар учун — камида 15 мутахассис, мураккабликнинг IV-V тоифасидаги объектлар учун — камида 25 мутахассис;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айрим бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари учун — камида 10 мутахассис».

3. 8-банд «е» кичик бандининг учинчи хатбошига «шунингдек меҳнат дафтарчаларининг (нотариал тасдиқланган)» сўзлари қўшилсин.

4. 37-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин.